

## ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ

*Рахимова Мухайё Акмаловна  
Ўзбекистон Миллий университети, катта ўқитувчи  
E-mail:moukhayyo75@bk.ru*

**Аннотация.** Ушбу мақолада алоҳида эҳтиёжга муҳтож бўлган болалар таълими, яъни инклюзив таълимни ташкил қилиш, таълим бериш масалалари ва инклюзив таълим тизимининг хуқуқий-ижтимоий асослари юзасидан фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** инклюзив, эҳтиёж, коррекцион, муаммо, тадқиқод, муҳит, таълим, интеграция, имконият, шароит.

Республикамизда алоҳида эҳтиёжли болалар билан коррекцион, уларни ҳар томонлама ривожлантирувчи ишларни олиб бориш, ижтимоий жамиятга эрта мослаштириш, имкониятларидан фойдаланиб ўз-ўзига хизмат қила оладиган қилиб вояга етказиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бугунги кунда Республикаизда 87 та маҳсус мактаб ва мактаб-интернатлар мавжуд бўлиб, ушбу таълим муассасаларида имконияти чекланган болалар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Тадқиқодлар шуни кўрсатди, айнан алоҳида эҳтиёжли болаларнинг соғлом муҳитда таълим-тарбия олмаётганликлари сабабли ижтимоий хаётимизга мослашишларида кўплаб қийинчиликлар ва муаммоларга дуч келмоқдалар.

Инклюзив таълим 1996 йилдан буён Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилди, натижада кўплаб назарий ва амалий ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда Республикаизда инклюзив таълимни тарғибот-ташвиқот қилиш, ушбу таълим шаклиниң самарадорлигини ошириш, умумтаълим педагогларита методик ёрдам кўрсатиш ишлари Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, нодавлат-нотижорат ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда.

БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган “Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да “Таълим олиш ҳар бир инсонинг асосий ва ажralmas хуқуқи” эканлиги алоҳида эътироф этилган. Ногирон шахсларнинг хуқуқларини янада мустаҳкамлаш ва кафолатлаш мақсадида БМТ 1975 йилда “Ногирон шахслар хуқуқлари тўғрисида”ги Декларацияни қабул қилди. “Ногирон шахслар хуқуқлари тўғрисида”ги Декларациянинг мазмунидан шу нарсани тушиниш мумкинки, ногирон фуқаролар учун жамияг хаётида тўлиқ иштирок этиш кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш

тўғрисида”ги Қонуни (1991 йил 18 ноябрь), “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997 йил), “Таълим тўғрисида”ги Қонун (1997 йил), “Келажак авлод саломатлиги учун” Давлат дастурларида (2000 йил), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004-2009 йилларга мўлжалланган “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” хақидаги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 18 ноябрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури”да соғлом авлод тарбиясига давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа сифатида қараш лозимлиги кўрсатилган. Ўзбекистонда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни тўлақонли маҳсус таълимга жалб қилиш ва интеграция усулида таълим олиш 2001-2002 йилларда бирмунча фаоллашган. Бунга асос Халк таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, “Оперейшен Мерси”, “Мерси Прожект” нодавлат халқаро ташкилотлар ва

Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи миллий ташкилотлари, жумладан “УМР”, “Зиё”, “Имкон”, “Хаёт”, “Умидворлик”, “Ёрглик”, “Мурувват”(Самарканд), “Мезон”, “Мехригиё”, “ШАНС”, “Нихол”, “Коррекцион педагогик Реабилитация маркази” кабилар билан ҳамкорликдаги лойихалар бўйича амалга ошириб келинган ишлар, чора-тадбирлардир.

2005 йилга келиб, инклузив таълим тизимида бўлган давлат сиёсатининг эътибори янада кучайди. 2005 йилнинг 19 сентябрь куни ХТВнинг 234-сонли буйруғи билан «Имконияти чекланган болалалар ва ўсмирлар учун инклузив таълим тўғрисида муваққат Низом»и тасдиқланди. Унга кўра, Республикаизда инклузив таълим тизимининг қуидаги хуқуқий-ижтимоий асослари яратилди:

- болани ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ёши, жинси ирқи, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддасига асосан барча болалар умумтаълим жараёнинга киритиш ва ижтимоий ҳаётга мослаштириш лозимлиги белгиланган;

- хар бир бола ўзининг қизиқиши қобилияти, ва эҳтиёжига кўра мос равища билим олиши хуқуқига эга;

- таълим дастурини ишлаб чиқишида ва амалга оширишда ўзига хослик ва эҳтиёжларнинг турли-туманлигини назарда тутиш;

- ҳар бир бола тенгдошлар қатори билим олиш хуқуқига эга бўлиши;

- болани таълимга эмас, балки таълимни боланинг эҳтиёжига кўра ташкил этилиши;

- болани муҳтожлиги ва имкониятини эътиборга олган ҳолда таълим методини, ўқув режаларни ихчам бўлишини қўллаб-қувватлаш ҳамда баҳолаш;

- инклузив таълим муаммони болада эмас, тизимда эканлигини аниқлайди, болага қулай шарт-шароит яратишни таъминлайди;

- болани шахсий эхтиёжига қараб коррекцион-педагогик ва ижтимоий ёрдамни ташкил қиласы да хоказо.

Инклюзив таълимни жорий этилиши натижасида таълим муассасалари педагогларига янада юқорирок талаблар қўйилади. Чунки, инклюзив таълим педагоглари ҳар бир турдаги имконияти чекланган болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг маҳсус усувларини, болалар рухиятидаги ўзига хосликларни, имконияти чекланган болалар Коррекцион Давлат

таълим стандартларини ҳам мукаммал билиши талаб этилади. Шунингдек, ўқитувчи нормал ривожланишдаги ҳамда алоҳида эхтиёжли ўқувчилар ўртасида илик-дўстона, самимий муносабатлар

уйғота олиши, ота-оналар онгига инклюзив таълим хусусида ижобий ва тўлиқ тушунчаларни шакиллантира олиши ҳам зарур.

Хулоса қилиб айтганда, инклюзив синфларда ўқув тарбия жараёни ижобий муносабат ва эртага бугундан ҳам яхширок бўлишига ишонч бўлиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси «Ногиронлар ҳуқуқини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонун -1991 йил.
2. “Имконияти чекланган болалар ва ўсмиirlар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом”- XTB 234-сонли буйруғи-2005 йил 19 сентябрь.
3. Р.Шомахмудова “Инклюзив таълимнинг назарий ва амалий асослари”- Раззоков О.Ж- Тошкент-2007 йил.
4. Р.Шомахмудова, А.Бердиева “Жисмоний ривожланишида муаммолари бўлган болалар билан инклюзив ва маҳсус таълим тизимида олиб бориладиган коррекцион педагогик ишлар”- Раззоков О.Ж- Тошкент-2007 йил.
5. «Таълим ҳамма учун миллий дастурини жорий қилиш масалалари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент-ЮНЕСКО-2005 йил.
6. Рахимова, М. (2024). РАЗВИТИЕ ЛИЧНОСТИ В УСЛОВИЯХ БЫТОВОГО И ДИДАКТИЧЕСКОГО БИЛИНГВИЗМА. *Journal of new century innovations*, 51(1), 105-111.
7. M.A.Rakhimova (2024). Personality development in everyday and didactic conditions bilingualism. Web of Teachers: Inderscience Research 2(4), 31-36